

УЮШМАГАН ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Ш.Ш.Шаякубов

**Тошкент молия институти, “Ўзбекистон тарихи” кафедрасимудирини,
т.ф.н**

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга қаратилаётган доимий эътибор, ёшларга оид давлат сиёсати халқимиз қалбидан чуқур жой олиб келмоқда. Бу борадаги ҳар бир қадам одамларнинг қувончига сазовор бўлмоқда. Бугун кенг кўламли соҳага, умуммиллий ҳаракатга айланган бу ислохотнинг тамал тоши мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ қўйилган.

Истиқлол йилларида биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “Ўзбек модели”га ҳамда кучли ижтимоий сиёсат принципларига асосланган ҳолда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатлари Конституциямиз ва қатор қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилди. 1991 йил 20 ноябрдаёқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг қонуний асосини яратиб берди.

Ҳар бир жамият аъзосининг илк ҳаёти оиладан бошланади. Оила эса ўз навбатида маҳаллада шаклланади. “Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор, - дея таъкидлайди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов, - фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”¹.

Оила – тарбиянинг илк куртакларини яратади ва янги авлодга ҳадя этади. Соғлом муҳитга эга бўлган оилалар - тарбияси, одоб-ахлоқи ва ҳулқи мақбул фарзандларни камол топтириш кафолатидир. Айниқса, кўп фарзандли

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 56-б.

оилаларда болаларнинг ўзаро мулоқот ва муносабатлари эвазига, аксарият ҳолларда, яхши тарбия топган шахслар вояга етади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида кўзга ташланмоқда. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда, хусусан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришига алоҳида эътибор қаратилади. Юртимизда ўзини-ўзи бошқариш тизимининг асосий бўғинини маҳаллалар ташкил этади. Маҳалла фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат, яхши кўшничлик, меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг зарурлигини кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни миллий мафкура, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш функциясини бажарувчи ижтимоий институтдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Биринчи вазифа – биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур. Иккинчи вазифа – аёллар ўртасида жиноятчилик, оилаларда ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва нохуш масалалар билан боғлиқ”, дея алоҳида таъкидлаб ўтди².

Ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда диний ва дунёвий қадриятларнинг уйғунлашуви, оила ва жамиятдаги муҳитнинг тарбиявий таъсири ва илм-маърифатнинг ўрни беқиёсдир.

Энг қадимий қадриятларимиздан ҳисобланган, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, унинг турмуш тарзини ўзида тўла мужассам этган маҳалланинг жамиятдаги ўрни мустақиллигимиз туфайли қайта тикланди. Ўзбек маҳалласи халқимизга хос донишмандлик тимсоли сифатида тарихда ҳам ўз жозибаси,

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т., “Ўзбекистон”. 2017. 43-бет.

халқчиллиги, ҳаётийлиги, бетақрорлиги билан дунё аҳли тафаккурини ўзига жалб қилган. Мозийдан тортиб ҳозиргача давлатлар ўзининг кўпгина эзгу амалларини, яхши, хосиятли, баракатли тадбирларини, ҳаётий муҳим масалаларини маҳаллада оқсоқоллар, фаоллар, ақл заковати, адолатли назорати билан амалга ошириб ҳал қилиб келадилар.

Бугунги кунда маҳалланинг маънавий соҳада долзарб масалалардан бири бу ёшлар тарбияси ҳисобланади. Маҳаллада инсонларни маънавий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, шунингдек, эстетик тарбиялашда ҳам бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларга нисбатан алоҳида мавқега эга, чунки маҳалла аҳолига энг яқин ташкилот ҳисобланади.

Фарзандини дунёга келтирган ҳар қайси ота-она унинг жисмонан соғлом, ақлан теран, етук, комил инсон бўлиб етишиши ва бахтли ҳаёт кечиришини хоҳлайди. Келажакда фарзандларини жамият ҳаётида ўз ўрнини топиб, унга раҳматлар олиб келишларини ва бундан ғурур туйғусини туюшни исташади. Аксинча, яхши тарбия топмаган фарзандлар қилмиши ота-онага лаънат олиб келиши ҳеч кимга сир эмас. Бу оиладаги, маҳалладаги тарбия масаласидир.

Тарбиянинг бошқа кўриниш ва шакллари билан бир қаторда, оилада, фарзанд камолотида эстетик тарбия ҳам муҳим рол ўйнайди. Эстетик тарбия маҳалла, хусусан, оила турмуш тарзининг алоҳида мотивига айланиши керак. Ижтимоий-тарихий тараққиёт туфайли, айниқса кейинги асрларда инсоният турмуш тарзи таркибига ниҳоятда ранг-баранг омил ва воситалар кириб келди. Электр, телевидение, замонавий транспортлар, компьютер технологияси, замонавий телекоммуникация воситалари, интернет каби ижтимоий-техникавий кашфиётлар унинг табиатини ўзгартириб юборди. Шу билан бирга инсон фаолияти, ҳаётий муҳитининг табиий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида чуқур номутаносибликлар ҳам юзага келди.

Ҳозирги глобаллашган, ҳаёт суратлари тезлашган, ахборот асрида ҳар бир оилага, кишиларга етиб келётган турли ахборотларни назорат қилиб

туришнинг иложи йўқ. Ёшлар кундалик ҳаёт тарзида ахборот технологияларидан, интернетдан, оммавий ахборот воситаларидан ўзига керакли бўлган ва бўлмаган маълумотларни олишяпти. Бунинг таъсирида уларнинг онгига миллийлигимизга тўғри келмайдиган, шарқона турмуш тарзига зид бўлган ғоялар, қарашлар таъсир ўтказмоқда. Кўр-кўрона ғарб маданиятига тақлид қилиш: кийинишда, ўзаро муомалада, ота-онага ва дўстларга, умуман, ҳаётга бўлган муносабатда кўзга ташланаяпти. Ҳаётга енгил қараш (ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, тамаки чекиш, интернет кафелар, тунги кўнгилочар масканларда вақт ўтказиш ва бошқалар) ёш ўсмирнинг ўз ҳаёти йўлини топишида кўп қийинчиликларга дуч келтиради. Бундай ҳолатлар оиладаги хотиржамликка ва барқарорликка путур етказди. Шунинг учун ҳам мазкур муаммоли вазиятнинг ечимини топишда, энг аввало, соғлом турмуш тарзини ҳар бир ота-она ўз оиласида амалга ошириш керак.

Шунингдек, фарзанд тарбиялаётган ота-оналар фарзандларининг ташқи оламга бўлган муносабатларини доимо кузатиб боришлари жоиз. Боланинг қайси рангларга қизиқиши, қандай мусиқалар унинг кайфиятига қай даражада таъсир ўтказишини, қайси эртақларни ёқтиришини билиш жуда муҳим. Бундай омиллар боланинг табиатга ва жамиятга бўлган илк муносабатини белгилаб беради. Тўғри, баъзи оилаларда тарбияга алоҳида эътибор қаратилмайди. Болага рангли қоғоз ва қаламлар, расмли китобларлар, эртақ китоблар олиб бериш ёки табиат кўйнига олиб чиқиб унга чиройли манзараларни кўрсатиш қийин юмушдай туюлиши мумкин. Бу вазиятда эътиборсиз қолган бола ўзининг руҳиятидаги эстетик эҳтиёжини қондирилмасдан, юзага келган бўшлиқни кўчадан – интернет кафелардаги ёвуз ўйинлар орқали тўлдиради.

Иккинчидан, фарзандига тарбия бериш тугул, умуман унга эътибор қаратмасдан ўз ҳолига ташлаб, фақатгина моддий эҳтиёжларни қондирувчи баъзи ота-оналарнинг бу қарорлари эндигина онги ривожланаётган боланинг ҳаётга бўлган муносабатида гедонистик қарашларни шакллантириши мумкин.

Демак ҳар бир оилада оила бошлиқлари тарбияни ўз қўлларида ушлашлари, шунингдек, фарзандларга ҳар жабҳада ўрнак ва намуна бўлишлари лозим. Шундагина маданият, хусусан, эстетик маданият шаклланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, инсонларда ички ва ташқи гўзаллик узвий боғлиқ ҳолда ривожланса, шахс барқарорлиги, инсоннинг муносабатлари гўзаллиги, йигит-қизлар муносабати, дўстлик ва ўртоқлик муносабатлари одоблилик ва нафосат доирасида таркиб топади. Кишиларнинг ўзаро муносабатларида тавозе, одоб, оҳисталик, эҳтиёткорлик, чиройли муомала, нафислик зарурий жиҳатга айланиши маҳаллада, оилада турмуш эстетикаси ва эстетик маданиятнинг қай даражада шаклланганлигининг ифодасидир.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни Ватанга мухаббат, юртга садоқат руҳида улғайишларига қўмаклашиш, ёшлар ўртасида иқтидорли ва истеъдодлиларини излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ақлан етук ва жисмонан бақувват бўлиб камол топишларини ташкиллаштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт мусобақаларига оммавий жалб этиш ҳар биримизнинг мақсад ва вазифаларимиз ҳисобланади.